
Туман ҳокими таълим муассасаларига ташриф буюрди

Ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашдек муҳим вазифа ижросини таъминлаш мақсадида Тошлоқ туманидаги 3-умумий ўрта таълим мактабида реконструкция ишлари олиб борилиши белгиланган. Тошлоқ тумани ҳокими Абдуқаҳҳор Джурабаев ҳамда мутасадди идоралар раҳбарлари мазкур таълим муассасасида бўлишиб, амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишдилар.

Мактабда Амир Темур ва Жалолiddин Мангуберди синфлари ташкил этилиши, спорт майдончаси ва зали таъмирланиши ҳамда замонавий спорт анжомлари билан таъминланиши белгиланган.

Шундан сўнг, туман ҳокими 1-сектор ҳудудидаги 15-мактабда бўлиб ўқув-тарбия ҳамда ободонлаштириш ишлари билан ҳам яқиндан танишди. Ташриф давомида таълим муассасаси раҳбари ҳамроҳлигида ўқувчилар учун яратилган шарт-шароитлар, ўқув жараёнларининг ўз вақтида олиб борилиши, ўқувчиларнинг мактаб кутубхонасидан фойдаланишлари, шунингдек ўқувчиларнинг дарсга қатнашиш давоматлари кўриб чиқилди.

Туман ҳокими таълим самарадорлигини янада ошириш, ўқувчи ёшларни касб-ҳунарга ўқитиш сифатини яхшилаш ҳамда мактаб ҳудудида ободонлаштириш ишларини олиб бориш бўйича мактаб директориغا кўрсатмалар берди.

2021-04-02 17:36:55